

**Бюджетдан маблаг олувчи ташкилот ва муассасаларга табиий газ
етказиб бериш, ундан фойдаланишни ва хизматларни курсатиш буйича
ШАРТНОМА № 01/486**

“12” 01.2022.й.

Варун шахрор

РБШММ Варун мунт. филиали (бундан буён «Истеъмолчи» деб юртилидаи) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи рахбар Н.А. Ражабов бир томондан ва “Hududgaz Qashqadaryo” газ таъминоти филиали (бундан буён «Таъминотчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи рахбари **Ф. Муродов** ушбу шартномани куйидагилар ҳақда туздилар:

ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Таъминотчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмасига мувофик табиий газ етказиб беришни уз зиммасига олади, «Истеъмолчи» эса мазкур шартноманинг 1-иловасида белгиланган микдорда табиий газни қабул қилиб олинган ва «Истеъмолчи»га етказиб берилган табиий газ учун 2022 йил харажатлар сметасида бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зиммасига олади.

1.2. «Таъминотчи», «Истеъмолчи»нинг 2022 йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида узаро келишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

1.3. Узатилаётган табиий газнинг ойлик микдори «Истеъмолчи»нинг буюртмасига асосан (лекин юджетдан ажратилган маблағлар доирасида чикмаган ҳолда) «Таъминотчи» томонидан белгиланади. Бундан «Истеъмолчи» нинг талабномаси (заявка) ва газ транспорт тизимининг техникавий имкониятларини инобатга олган ҳолда белгиланади. «Истеъмолчи»нинг ойлик микдордаги талабномаси «Истеъмолчи» томонидан «таъминотчи»нинг манзилгоҳига чорак бошламасдан, 15 кун аввал берилади. Талабнома берилмаган тақдирда «Таъминотчи», «Истеъмолчи»га ажратилган чоракдаги газ лимитларини ҳисобга олган ҳолда, ойма-ой тенг булинган ҳажмига қараб етказиб берилади. Етказиб берилмаётган газнинг ойлик ҳажми борасидаги ҳал этувчи қарор «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» томонидан қабул қилинади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Истеъмолчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

А) Ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртмага биноан тегишли сифатдаги табиий газ етказиб бериш узлуксиз таъминлашни «Таъминотчи»дан талаб қилишга.

Б) Лозим сифатга мувофик булмаган табиий газ етказиб берилганда «Истеъмолчи» уз хоҳишига қура:

-лозим сифатга мувофик булмаган табиий газни «Таъминотчи» уз ҳисобидан қайта етказишни;

-шартнома мауддатлари бузилганда ёки лозим сифатга мувофик булмаган ҳолда етказиб берилган табиий газни қабул қилишни рад этишга;

В) «Таъминотчи» шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни бой берилган фойдани коплашни талаб қилишга ҳақлидир;

Г) табиий газ тармоқлари ҳамда жиҳозларнинг тегишли техник ҳолатини ва ҳавфсизлигини таъминлаш;

Д) табиий газ ҳисоблагичлари ва урнатилган тамгаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;

Е) «Таъминотчи» ҳисоблагичларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини ҳабар қилиш:

И) «Таъминотчи» ҳар ойнинг 5 санасигача утган ойда курсатилган хизмат счёта фактураларини «Истеъмолчи»га тақдим қилади.

2.2. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:

А) «Истеъмолчи»дан етказиб бериладиган табиий газ учун (факатгина бюджет ташкилотининг смета харажатларида газ тулови учун ажратилган маблағлар доирасида) олдиндан ҳақ тулашни ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилишга;

Б) Шартнома ёки шарнома асосида берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган табиий газни қабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни «Истеъмолчи» дан талаб қилишга;

В) «Таъминотчи» билан келишилмаган ҳолда «Истеъмолчи» томонидан бир маромдаги кунлик ва соатлик ҳажмлардан ортикча газ олинганда, уни қайтариш юзасидан «Таъминотчи» нинг билдирган талабини «Истеъмолчи» дархол бажариши лозим. Ушбу талаб 3-кун давомида бажарилмаса, «Таъминотчи» узатилаётган газ ҳажмини соатлик маромга туширишга;

Г) «Истеъмолчи»га урнатилган газ ҳисоблагичларининг ишлашини, катограммалар тугри ҳисобланаётганлигини сутканинг исталган вақтида олдиндан огоҳлантирмасдан текшириш, шунингдек газ ҳисоблагичларнинг «Узстандарт» лабораториядан муддатдан ташқари давлат киёслашидан утказишни талаб қилишга ҳақлидир. Бунда газ ҳисоблагичлари носоз булса, давлат киёслашидан утказиш харажати «Истеъмолчи» акс ҳолда эса уни талаб қилган томон тулайди.

Д) Конун ҳужжатларига мувофик, ушбу шартнома мажбуриятларини уз муддатларида бажарилишини таъминлаш.

Е) «Истеъмолчи» «Узтарнсгаз» АКГРСларидан етказиб берилаетган газ сифтидан паст булмаган газ билан узлуксиз таъминлаш;

Ж) табиий газ тармоklarини режали таъминлаш даврида табиий газ билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида «Истеъмолчи»ни олдиндан огохлантириш.

З) табиий газ етказиб беришнинг асоссиз узилишига йул куймаслик ва «Истеъмолчи»га табиий газ беришнинг режадан ташкари тухталиши сабаблари, чеклашнинг жорий этиш хажми ва «вактни курсатган холда» 6 соат олдин хабар бериш.

2.3. Хукук вамажбуриятлари;

А) «Истеъмолчи» факатгина харажатлар сметасида табиий газ учун 2021 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида туловни амалга ошириш мажбуриятларини олади:

Б) «Истеъмолчи» томонидан бюджетдан маблағ олувчига етказиб берилган табиий газ учун конунчилик асосида белгилаб бериладиган Узбекистон Республикасида амалдаги тарифлар буйича хак туланади.

В) Етказиб берилган табиий газ учун туловлар, наkd пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кузда тутилган маблағлар доирасидан чикмаган холда мазкур шартноманинг 3.1 бандига асосан ойма-ой туловни амалга оширади.

Г) «Истеъмолчи», «Таъминотчи»дан хар ой якуни буйича бюджет ташкилотларига етказиби берилган табиий газнинг хажми ва суммаси буйича маълумот олишга хаклидир.

3. ТАБИЙ ГАЗ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ.

«Истеъмолчи»нинг мазкур шартномада келишилган ойлик табиий газ хажмининг олдиндан 100%ни ойнинг 15-санасигача аванс тарикасида тулайди.

3.4. Табиий газ «Истеъмолчи» айби билан ушбу шартномада келишилган хажмидан кам истеъмол килинганда аванс тарикасида туланган маблағлар камайтириб берилмайди, улар кейинги истеъмол килиш хисобига олинади.

3.5. истеъмол килинган табиий газ хажми ой охирида узатиш-кабул килиш далолатномалари билан расмийлаштирилади ва куйидагича бюджетда кузда тутилган маблағлар доирасида ойма-ой тулаб бериледи.

3.6. Шартноманинг тузилган ваkтдаги умумий йиллик бахоси 5400 000 сумни ташкил этади. Етказиб берилган газ учун хисоб-китоблар мазкур шартноманинг графиги асосида бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида туланади.

ЖАМИ 2022 йил	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
5400 000	2200 000	2200 000	1000 000									

3.4.Фойдаланадиган газнинг йиллик табиий газ хажми м.кубни, М3 ни ташкил килади.шартнома тузилган даврда 1м3 табиий газнинг нархи 660 (олти юз олтмиш) сумни ташкил килади.

3.5. Куйидаги холларда: «Истеъмолчи» дан истеъмол килинган табиий газ учун урнатилган табиий газ жихозларнинг иш режими асосида олинган лойиха кувати буйича табиий газ сарфи олинади ва тулов аули хисобланади.

-табиий газ хисоблагичларининг давлат киёслашидан утиш муддатлари утиб кетганда, бу хисоблагичлар ёки табиий газ жихозлари носоз булган суюклик ва табиий газ сарфини торайтирувчи курилмалар оркали улчашнинг ГОСТ 8563. 1,2-97 коидаларига мос келмаганда;

-газ хисоблагичларини давлат киёслашидан утказиш учун ечиб олинган кундан бошлаб;

- кайта урнатилган кунгача булган муддатларда «Истеъмолчи» томонидан табиий газ сарфини улчаш картограммаси йукотилган такдирда;

- газ хисоблагичларнинг хисоблаш механизмига ёки «Бойпас» йулига урнатилган тамгалар бузилганда.

3.6. Етказиб берилаетган табиий газ хажми хисоб-китоби нормал меъёрларида (Т=20.0 С, р=760мм симоб устунида, намлик даражаси 0 да) олиб бориледи.

4. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УИИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. шартномада курсатилган мажбуриятлар шарнома шартлари ва конун хужжатлари талабларига мувофик тарзда бажарилиш керак.

Агар тарафлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилиши таъминланса, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. табиий газ етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомасида курсатилган муддатлар ва хажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. «Таъминотчи» буюртманомаларини руйхатдан утказиш дафтари юритади.

4.3. «Истеъмолчи» илгари берилган бекор килишга ёки ундан табиий газни етказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»ни буюртманомада курсатилган ой (чорак) бошланишидан камида 10 кун олдин хабардор қилади.

5. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ.

5.1. Куйидаги ҳолларда «Истеъмолчи»га табиий газ етказиб бериш тухтатилади;

-табиий газдан шартномасиз қулланганда (фойдаланганда);

-истеъмол қилишнинг ҳисоб-китоб қилинадиган даври бошлангунча табиий газ учун олдиндан ҳақ туланмаган ёки якуний ҳисоб-китоб шартномада белгиланган муддатларда амалга оширилмаганда.

-табиий газ тармоғида узбошимчалик билан уланганда, бунда лойихадан ташқари улаб олинган газ жихозлари газ тармоғидан узилиб, улар олинган кундан бошлаб истеъмол қилинган газ хажмига мос ҳақ тулик ундирилади ва аниқланган далиллар ҳуқуқини муҳофаза қилиш идораларига топширилади.

-табиий газни қабул қилиш қоидалари қупол равишда бузилганда.

-газ ёнгин хавфсизлиги бўйича инспекцияларнинг ёзма курсатмалари асосида.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28-февралдаги 594-қарорига мувофиқ бюджетдан молиялаштриладиган ташкилот ва корхоналар 15% олдиндан табиий газ ҳақини аванс тариқасида ҳақ тулашлари шарт, туловларини амалга оширмасалар, ҳақи туланмаганлиги учун табиий газ етказиб бериш чегараланган тартибда амалга оширилади ёки умуман тухтатиб қуйилади.

5.3. Табиий газ етказиб бериш қабул қилиш режимидаги узгартиришлар ҳақида (магистраль газ қурувчилари, газ тармоқларида носозликлар, авариялар вақтида қиритилган қисқаришлар ва ҳоказолар) диспетчирлик алоқа тизимлари орқали хабарнома тарзида зудлик билан хабар берилади.

-«Истеъмолчи» газ хужалигининг тезкор бошқарув манзили;

-тел-104

5.4. қуш-қиш мавсумида «Истеъмолчи» захира ёқилгисига эга бўлиши шарт. Бу мавсумда аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида «Истеъмолчи»ни табиий газ билан таъминлаш қафолатланмайди.

5.5. «Таъминотчи» табиий газ узатишдаги қисқартиришлар ҳақидаги хабарни уни қисқартиришдан 3 кун олдин «Истеъмолчи»га маълум қилади (магистраль газ қувурларидаги авариялар бундан мустасно).

5.6. Магистраль газ қувурларини технологик режими бузилганда, ташқи об-ҳаво ҳарорати кескин совуганда «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га газ бериш қисқартирилади ва захира ёқилгисига утиш тугрисида Вазирлар Маҳкамасининг ёки вилоят ҳокимининг тасдиқланган қарорига асосан курсатганда ёқилади.

5.7. «Истеъмолчи» ва «Таъминотчи» уртасидаги алоқани «Истеъмолчи» уз зиммасига олади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Етказиб берилаган газ ҳақини вақтида туламагани учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га утказиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,4% микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тулайди.

6.2. «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи» билан қелишиб олмасдан шартномадаги хажмларда ортиқча табиий газ олиши «Таъминотчи»га ортиқча олинган газ учун оширилган тулов тулашга қуйидаги ҳолларда мажбур:

-иситиш мавсумида ортиқча олинган ҳар қунлик газ сарфи учун ой якуни бўйича ортиқча газ сарфи борлиги аниқланса назар оширувчи 1,4 коэффициент билан;

-иситиш мавсумидан ташқари ҳар ойда ортиқча олинган газ сарфи учун оширувчи 1,4 коэффициент билан.

6.3. «Истеъмолчи» газ ҳисоблагичлари ва картограммалар тугри ишлаётганлигини аниқлаш учун «Таъминотчи» вакиллари уз ҳудудга қиритмаган тақдирда. «Истеъмолчи»га урнатилган табиий газ жихозларнинг 24 соатлик иш режими асосида олинган лойиха қуввати бўйича ойбошидан то ҳудудга қиритилмаган қунгача ҳисобланган газ хажмининг 1,4 баробари микдорида жарима солинади.

«Истеъмолчи»нинг таклифига қура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан кеч бўлмаган муддатда қиритилган табиий газнинг навбатдаги ой (чорак) учун хажмлари узгартирилиши табиий газнинг курсатилган хажмлари бўйича ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Қелишилмовчиликлар ва низоли масалалар қелиб қикқан тақдирда, тарафлар қоидага қура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни қуради. Тарафлар қелишилмовчиликлари ва низоларни хал этиш учун бевосита Қашқадарё вилояти ҳужалиқ судига мурожаат қилишга ҳам ҳақлидир.

7.2. Шарнома бажарилиши бир томонлама хал этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Айтиб бўлмайдиган, яъни фавқулотда ва муайян шароитларида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар форс-мажор) тўғайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозимдаражада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ.

9.1. Мазкур шартнома, унга узгартиришлар (кушимчалар) тарафлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиш.

9.2. Мазкур шартномага хар кандай узгартиришлар ва кушимчалар улар ёзма шаклда бажарилиш ва тарафларнинг бунга лозим даражада масъул вакиллари томонидан имзоланиши шартнома билан хакикий хисобланади.

9.3. Ушбу шартнома икала томонлама имзоланиб худудий Газначилик булинмасида руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киритилиб, руйхатдан утказилган кундан бошлаб 2022 йил 31-декабргача амалда булади.

9.4. Тарафлар уртасидаги муносабатлар улар томнидан мазкур шартноманинг барча шартлари, бажарилган тақдирда тухтатилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

10.1 Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартлари жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

10.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан колдирилади.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

«ТАЪМИНОТЧИ»

Худудгаз Қашқадарё газ таъминоти
филиали
Манзили: Карши шаҳар Хонобод 11
Тел/факс: 223-14-05
х/р: 22634000705113960343 Банк
номи: УЗ.СҚБ Рақат МФО: 00435
ИНН: 306605769

ОҚОНХ:



Ф.Н.Муродов

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Республика болалар четиниш мосмаси
Маркази Шарш мунтазавий ерчиси
(бюджет маблағларини олувчи номи)

Манзил: Шарш ш. Арросийб -194б
тел/факс: 25 224-14-97. 224-14-67

СТИР: 303494554 ОҚОНХ: 98600

Қашқадарё ёқлоқ Гауке шикк доштар.
х/р: 100021860104017098300239002

Банк номи: Марнауб банк Тошкент шаҳр

МФО: 00014

СТИР:



Н.А. Ражабов

Хукукий хулоса.

Мен (гувоҳнома кодекси «Хуқалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конун асосида белгиланганлигини аниқладим.

Юқоридагиларга асосланган холда шартнома лойихасини конун доирасида тузилган деб хисоблайман ва томонларга уни имзоланишни тавсия этаман.

Хукукий хулоса берилган сана «_» _ 2021 йил.

хукуқшунос ___

(имзо)

(Ф.И.Ш)

